

БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАЛАРИ:

ТАДБИРКОР, ИНВЕТОР МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ ТУШУНЧАСИНИ БИР-БИРИДАН АЙРО ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО, ТАДБИРКОРЛИК БЎЛМАГАН ЁКИ РИВОЖЛАНМАГАН ЖОЙДА ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг, аҳоли бандлигининг салмоқли қисми соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани, ишлаб чиқаришда ҳам уларнинг ўрни юқорилиги шундан далолат.

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорликни янада ривожлантиришда бекиёс аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Фармон моҳияти ва ижроси билан боғлиқ масалалар ҳақида ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Худоев МЕЛИЕВ билан суҳбатлашди.

— Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича алоҳида қабулхоналар ташкил этишдан мақсад нима?

— Президент Фармони билан тадбиркорлар, хорижий инвесторларнинг фаолияти билан боғлиқ мурожаатларни тезкорлик билан кўриб чиқиш мақсадида алоҳида қабулхоналар

ташкил этилмоқда. Шу пайтгача уларнинг давлат органларига мурожаатлари бошқа мурожаатлар каби қабул қилина эди. Мурожаатлар кўлами кўплиги эса уларни тезкорлик билан кўриб чиқишга имкон бермаслиги табиий. Эндиликда ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилади.

Қабулхоналар тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларни қабул қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўради.



2 БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ВАЗИРИ

IX САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ЮРИДИК ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



ST. PETERSBURG INTERNATIONAL LEGAL FORUM

Форумнинг 15 май санасида мамлакатимиз Адлия вазири "Инвестициялар, кўчмас мулк. Тармоқ қонунчилиги. ДХШ" панель сессиясида иштирок этиб, мамлакатимизнинг инвестициявий қонунчилиги бўйича тақдирот ўтказди. Русланбек Давлетов ўз тақдиротида "Ҳаракатлар стратегияси" доирасида ҳаётининг барча соҳаларида мислсиз ўзгаришлар амалга оширилаётгани, бизнес юритиш учун қўлай шароитлар яратилаётганини айтиб ўтди. Президентимиз раҳнамолигида юритилаётган сиёсат учта тамойилга: очкилик, аҳоли ва бизнес-ҳамжамият билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолиятининг аҳоли ҳамда бизнес вакиллари муаммоларини ҳал этишга эътибор қаратишга асосланганини таъкидлади.

Шунингдек, вазир маъмурий ислохотлар — бу Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими трансформациянинг муҳим таркибий қисми эканлигини алоҳида қайд этди. Русланбек Давлетовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 93 та давлат органи фаолияти қайта кўриб чиқилиб, жумладан, 77 та вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди, 7 тасининг фаолияти тугатилиб, 9 та янги ташкилотга асос солинди. Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасининг тузилмалари, вазифалари қайта кўриб чиқилди. Жумладан, 2019 йилнинг январь ойида Инвестициялар

ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси — иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига инвестициялар оқимини рағбатлантириш, турли мамлакатлар билан олиб бориладиган ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдир.

Адлия вазири ўз тақдиротида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинганлигини, 2017 йил 1 июндан буён оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилгани, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 85 та иқтисодий судлар ташкил этилганини айтиб ўтди.

Вазир Ўзбекистоннинг инвестициявий қонунчилиги ҳам тобора такомиллашиб бораётганлигини алоҳида тилга олди. Булар "Хорижий инвестициялар тўғрисида"ги, "Инвестициявий фаолият тўғрисида"ги, "Хорижий сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида"ги, "Эркин иқтисодиёт зоналари тўғрисида"ги қонунларни, шунингдек, қатор қонуний меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжатлар билан ҳуқуқий кафолатлар ўрнатилди, 380 дан зиёд имтиёз ва преференциялар тақдим этилди. Хусусий мулк эгасини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий инструментларнинг қўлайтирилганлиги, давлат ва жамият эътиёжлари учун ер участкаларини мусодара қилиш тартиби такомиллаштирилганлиги маълум қилинди.

2 БЕТ

ВАЗИР МАМЛАКАТИМИЗ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ ЎТКАЗДИ

ШУ ЙИЛНИНГ 14-18 май кунлари Россия Федерациясида IX Санкт-Петербург халқаро юридик форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек Давлетов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ҳуқуқ соҳаси вакиллари жамлаган ушбу нуфузли анжуманда юриспруденция жаҳонисидида бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда

ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ВАЗИРИ ИХ
САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ЮРИДИК
ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Тадқимотда Ўзбекистон иқтисодиётидаги қуйидаги энг муҳим ўзгаришлар муҳокама этилди: айтилди дамида Ўзбекистонда давлат иқтисодиётидаги ўз иштирокини мунтазам қисқартириб бормоқда ва бизнес, инвестициялар учун очиқдир. Хорижий сармоядорлар фойдали шарт ва нархларда давлат активларини харид қилиш имкониятидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, 288 та кўчмас мулк объектлари электрон савдоларга сотиш учун қўйилди. 211 та бўш ётган давлат кўчмас мулк объекти бошланғич баҳоси 1 сўм билан аукционга қўйилди. Сўнгги йилларда юз берган энг асосий ўзгаришлардан бири — иқтисодий эркинликнинг оширилишидир. Мамлакатимиз молиявий барқарорлиги таъминланди, давлатнинг иқтисодиётга бўлган фискал юки камайтирилди. Ўзбекистонга илк маротаба "Fitch", "S&P" ва "Moody's" сингари қатор нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" прогнозлари берилди. 2019 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон 1 миллиард АҚШ долларига 5 йиллик ва 10 йиллик евробондларни муваффақиятли жойлаштирди. Институционал сармоядорлардан қарийб 150 га яқин мурожаатлар келиб тушди ва уни жойлаштириш яхши диверсификацияланди.

Шунингдек, адлия вазири тадбир иштирокчиларини жозибадорлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон ҳақида бешта энг муҳим омиллар билан ҳам таништирди. Булар меҳнат ресурслари, юсак минерал-хомашё салоҳияти, энергетик мустақиллик, макроиқтисодий кўрсаткичлар, сармоядорлар учун қулай муҳит.

99

Хусусан, Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш 2018" маърузасида Ўзбекистон тадбиркорлик учун энг қўлай шароитлар яратиш бўйича қўйилган ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигига киргани қайд этилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида сўнгги 5 йил ичида "Бизнес юритиш" рейтингида Ўзбекистон 190 мамлакат орасидан 146-ўриндан 76-ўринга чиқиб олди ва 2022 йилга келиб республикамизнинг 20-ўринга кўтарилишига эришиш вазифаси юкланди.

ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ХОДИМЛАРИ СИНГАПУР
ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИНИНГ ҚИСҚА
МУДДАТЛИ КУРСЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

Юридик форум доирасида 16 май куни Ўзбекистон Адлия вазири Русланбек Давлетов ҳуқуқ ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича Сингапур катта давлат адлия вазири Эдвин Тонг билан учрашди. Мамлакатимиз учун Сингапурнинг ҳуқуқ соҳасидаги тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ходимларининг Сингапур ҳамкорлик дастурининг қисқа муддатли курсларида иштирок этишга тақлиф этилиши ўз навбатида ҳуқуқий масалалардаги энг муҳим ва керакли жаҳон амалиётини ўрганиш Ўзбекистонда жорий этишга хизмат қилади. Ушбу дастур "Халқаро ҳаво ҳуқуқи: қўлланилиши ва амалиёт", "Давлат-хусусий шериклиги бўйича инфратузилма лойиҳалари", "Рақамли иқтисодиёт — улкан маълумотлар ва аналитика", "Молиявий технологиялар: Имкониятлар ва муаммолар (Fintech)" каби йўналишларни кўзда tutади.

АДЛИЯ ВАЗИРИ ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН
ЎЧРАШДИ

ИХ Санкт-Петербург халқаро юридик форуми доирасида Адлия вазири Санкт-Петербургдаги олий таълим муассасалари (Санкт-Петербург давлат университети, Политехника ва Авиация институтлари) да таҳсил олаётган ўзбек талабалари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг Санкт-Петербургдаги вакили ва Ўзбекистон Республикасининг Санкт-Петербургдаги Бош консули ҳам иштирок этди.

Талабалар адлия вазирига ўзлари таълим олаётган ўқув даргоҳлари, Санкт-Петербургдаги олий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, уларни ўйлантираётган айрим муаммолар ҳақида ҳам сўзлаб беришди. Хусусан, Ўзбекистон талабалари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари уларни ташвишга солаётганини маълум қилишди.

Вазир суҳбат давомида талабаларга ўзлари таҳсил олаётган мамлакат қонунийлигини ўрганишлари ва унга амал қилишларини маслаҳат берди. Шу билан бирга улар таълим олиш мобайнида ўзларини фаол ва интизомли талабалардек tutишларини ва энг муҳими ўқиш тугагач, Ўзбекистонга қайтиб, мамлакат фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини билдирди.

Адлия вазири
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАЛАРИ:

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар масалаларни кўриб чиқиш ҳамда мавжуд бюрократик ва бошқа масалалардаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича фаолият олиб борилади. Тадбиркорлар йўлида гов бўлиб келаётган таъмагирлик ва коррупцияга барҳам бериш бўйича ҳам иш олиб борилади. Айнан шундай ҳолатлар учраганда дарҳол бу ҳақда прокуратура органларини хабардор қилади.

Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тизимида соҳа вакилларига ҳар томонлама ёрдам бериши мумкин бўлган малакали мутахассислар фаолият юритади. Улар тадбиркорларнинг мурожаатларини нафақат қабул қилиш, балки умумлаштириш, мониторингини олиб бориш ва назорат қилишни ташкил этади. Амалий таҳлиллар натижасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ҳам ишлаб чиқади.

— Тадбиркорлар қандай тартибда қабул қилинади?

— Эндиликда тадбиркорлик субъектларини ҳамда хорижий инвесторларни, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситасида қабул қилиш, шунингдек, сайёр қабуллар ўтказиш йўлга қўйилади.

Қабул жадвал бўйича ҳар куни ўтказилади. Тадбиркорларни қабул қилиш жадвали Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастри, банк ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳудудий органлари вакиллари иштирокида тасдиқланади.

Мурожаатларни ҳал қилиш "туман (шаҳар) — вилоят — республика" уч поғонали принципи бўйича кўриб чиқилади. Мурожаатда кўрсатилган қонуний талаблар ва тақлифларни туман ва шаҳар даражасида қондириш имконияти бўлмаса, улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қабулхоналарга, республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган мурожаатлар Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қотибиятига юборилади. Вазирлар Маҳкамаси қотибиятида ҳал этилмаган мурожаатлар кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун Бош вазирга киритилади.

— Мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ҳисобот тизими жорий этилиши қандай имконият яратади?

— Тадбиркорлар ишининг ҳолати тўғрисидаги ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида муҳокама қилинади. Ушбу ахборот бўйича масъул ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади. Яъни, мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ҳисобот тизими жорий этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қабулхоналари раҳбарларига туманлар ва шаҳарлар қабулхоналари томонидан ҳар ойнинг 5 санасигача, Вазирлар Маҳкамаси қотибиятига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қабулхоналари раҳбарлари томонидан ҳар ойлик асосида, ойнинг 7 санасигача ахборот киритилади.

Натижалардан келиб чиқиб, Бош вазир мансабдор шахсларни рағбатлантириш ёки тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг мурожаатлари юзаси кўриб чиқилганлиги ёки уларни кўриб чиқишдаги ҳаракатсизлик учун мансабдор шахсларни шахсий жавобгарликка тортиш бўйича тақлифлар киритади.

Тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш учун қабул қилиш, умумлаштириш, мониторинг

олиб бориш ва назорат қилиш учун самарали платформа "business.gov.uz" ягона интерактив портали ишга туширилади. Тадбиркорлар мазкур портал орқали мурожаат қилишлари, мурожаат кўриб чиқишларини ўзларининг шахсий кабинетидан "онлайн" реал вақт режимида кузатиб боришлари мумкин бўлади.

Порталда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни автоматик режимида аниқлаш имконини берувчи тадбиркорлар мурожаатларининг тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси ҳам яратилади.

— Қабулхоналар фаолияти қандай назорат қилинади?

— Қабулхоналар томонидан амалга оширилган ишлар натижалари доимий назоратга олинади. Фармонга мувофиқ, Ҳисоб палатаси, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тадбиркорлик субъекти ва хорижий инвесторнинг мурожаатлари амалда ҳал этилиши ўрганилади ва мониторинг қилинади. Натижалари ва яқунлари Бош вазирга киритилади.

Бош вазир ҳар чорақда қабулхоналар фаолияти натижаларини алоҳида йиғилишларда, шу жумладан, видеоконференцалоқа ўтказиш йўли билан кўриб чиқади. Зарурат бўлганда тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторларни шахсан қабул қилади.

Шу билан бирга, ҳар чорақда қабулхоналар ишларининг натижалари, тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради.

— Фармон билан адлия органларига ҳам алоҳида вазифалар юклатилган. Бу борада қандай ишлар амалга оширилади?

— Дарҳақиқат, фармон билан адлия органларига ҳам алоҳида масъулиятли вазифалар юклатилди. Жумладан, туман миқёсидаги муаммолар масалалар қабулхоналар билан бир қаторда адлия бўлиmlари томонидан ҳам атрофлича ўрганилиб чиқилади. Шунингдек, Адлия вазири аниқланган тизимли муаммоларни таҳлил қилиб, зарурат тўғрисида уларни ҳал этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали тадбиркорлик субъектлари билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини самарали рўёбга чиқариш ҳамда муаммолар масалаларини ҳал этиш, минтақаларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани қўпайтириш, аҳолининг меҳнат бандлигини ошириш ва моддий фаровонлигини ўстириш каби ижобий натижаларга эришиш кутилмоқда. Юқорида қайд этилган қоидаларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши давлат ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқади. Тадбиркорлик ривожланишига ҳалақат бераётган ортиқча бюрократик тўсиқлар, сансалорликларнинг олди олинади. Ўз навбатида, мамлакатимизда реал қулай бизнес муҳити яратилишига хизмат қилади.

ЎЗА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

Тадбиркор, инвестор муаммолари билан ишлашнинг янги тизими

Бу тадбиркорга рағбат, тараққиётга имконият, демакдир

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва иштиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”, дея таъкидлаган эди. Шу маънода, Юртбошимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони биз тадбиркорларни беҳад қувонтирди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 6-7 май кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Бош вазир қабулхоналари ташкил қилинишини маълум қилганди. Бундан қарангки, орадан бир ҳафта ўтиб, бу янгиликнинг амалий ифодасини кўриб турибмиз.

Фармоннинг мени мамнун этган жиҳатларидан бири унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ташкил қилинишидир. Айталик, масаласи унча жиддий бўлмаган тадбиркор туман, шаҳар қабулхонаси орқали ишини битириши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсидаги муаммога дуч келган тадбиркор шу даражадаги қабулхонага мурожаат қилиши мумкин. Тадбиркорнинг Республика даражасидаги масаласи эса, албатта, қабулхоналар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти

томонидан кўриб чиқилади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ваколатли органлар томонидан мурожаатлари ҳал этилмаган тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, чет эллик инвесторларни шахсан қабул қилиши тартибининг ўрнатилиши эътирофга молик.

Қабулхоналарнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни видеоконференцалока воситасида қабул қилиш ва сайёр қабулларни ўтказиш эса нафақат тадбиркорларнинг вақти, маблағини тежасини, балки мавжуд муаммони ўз ўрнида ҳал этиш имконини беради. Масалан, қорақалпоғистонлик тадбиркор салкам 1500 километр йўл босиб, Бош вазир ёки котибият қабулига келиб ўтирмайди.

Бундан ташқари, Бош вазирнинг ҳар чорақда давлатимиз раҳбарини қабулхоналарнинг иши натижалари, тадбиркорлар ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш юзасидан давлат органлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида, қабул қилинган қарорлар ёки мансабдор шахсларни рағбатлантириш ёхуд уларни тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатларини юзаки кўриб чиқилганлиги ёки кўриб чиқишдаги ҳаракатсизлиги учун шахсий жа-

вобгарликка тортиш бўйича таклифлар тўғрисида хабардор қилиши тегишли органлар, маҳаллий ҳокимликлар мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширади.

Йигирма йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Биз тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юртишимиз, фаолиятимизни ривожлантиришимиз ва ҳимоямиз учун бугунги кунда эътибор янада ошиб бормоқда. Айни пайтда ана шу ғамхўрликдан самарали фойдаланган ҳолда Фарғона шаҳрида ташкил этилган “Сайқал” савдо ишлаб чиқариш корхонаси, “UD-audiofon” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, “FARG’ONA POLIMER”, “FAR PRIBOR” ва “FAR-DRILLING CHEMICALS” (“Фарғона бургулаш химис”) масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти орқали юртимиз равнақиға ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз. 120 нафардан ортқ кишини доимий иш билан таъминланган мазкур субъектларда 55 турга яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу боис, 2017 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшган намунали солиқ тўловчи”, дея эътироф этилиб, фахрий ёрлик билан тақ-



дирландим. Энг муҳими, Президентимиз Фарғонага бинаоан Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида “Шухрат” медалига сазовор бўлдим.

Президентимизнинг бу галги вилоятимизга ташрифи мобайнида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган тошдан қозғ ишлаб чиқариш лойиҳасини тақдим этдик. Бу нафақат мамлакатимизда, балки минтақамизда ҳам аввал бўлмаган янгиликдир. Ҳадемай – Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида истеъмолчиларга сифатли қозғ маҳсулотини етказиб бера бошлаймиз.

Абдурахмон НИЁЗОВ,
Фарғона шаҳридаги “Сайқал”
савдо ишлаб чиқариш фирмаси
ва “FARG’ONA POLIMER” МЧЖ
таъсисчиси, Халқ депутатлари
Фарғона вилоят кенгаши депутати

ДАВЛАТ ВА ТАДБИРКОР ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ КЎПРИК

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўлами кундан-кунга кенгайиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Президентимиз томонидан кунчи кеча имзоланган Фармон янги мақсадларга эришишимизга қанот, давлат органлари билан тадбиркорлар ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиши шубҳасиз.

Хусусан, тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тежорилигини ошириш, улар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини рўйбега чиқариш ва муаммоларни масалаларни ҳал этиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани кўпайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстириш мақсадида мутлақо янги тизим — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Бу бизнинг Навоий вилояти учун айниқса, зарурдир. Чунки Юртбошимизнинг жорий йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгиланган чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Навоий вилоятига эркин иқтисодий ҳудуд мақоми берилди.

Фармонга асосан “Навоий” эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олган Навоий вилоятидаги корхоналарга ер солиғи, даромад солиғи,

юримдик шахслардан олинадиган мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ ҳамда божхона тўловларидан имтиёзлар берилгани вилоятда барқарор инвестицион муҳит яратилаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Фармон билан “Навоий” эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақомини олган Навоий вилоятидаги корхоналар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, шу жумладан, эквиваленти 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга; 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга; 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан ундан кўп ҳажмдаги инвестициялар кейинги 5 йил давомида даромад солиғи ва ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкаларини 50 фоиз ҳажмда қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилиши белгиланган бўлди.

Жорий йил 1 июндан бошлаб эса хорижий инвестициялар иштирокчиди корхоналарнинг таъсисчилари — “Навоий” эркин иқтисодий зонаси қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларига республика ҳудудидан чиқмасдан узайтириш имконияти билан, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган “инвестиция визаси” амалга татбиқи белгиланган бўлди.

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти натижалари ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг расмийида алоҳида йиғилишларда, шу жумладан, видеоконференцалока

Улуғбек ФАЙЗИЕВ,
Навоий шаҳридаги
“ZARAFSHAN GOLDEN GROUP”
компанияси бош директори

орқали кўриб чиқилиши ҳам жойлардаги сансалорлик ва қўзғўямачиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Энг муҳими, амалий ва ижобий ишлар рағбатлантирилиб, тадбиркорлик субъектларининг ва чет эллик инвесторларнинг мурожаатларини юзаки кўриб чиққан раҳбарларни шахсий жавобгарликка тортиш механизмининг жорий этилиши жойлардаги тадбиркорликка ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиши тайин.

Шахсан мен тадбиркор сифатида Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва тадбиркорликни рағбатлантириш борасидаги барча шароит ҳамда имтиёзлардан мамнунман. Тадбиркорликнинг барча соҳаларини, жумладан, замонавий уй-жойлар қуриш бўйича бунёдкорлик ишлари, қурилиш материаллари гишт, бетон ишлаб чиқариш, меҳмонхона хизмати, кластер усулида текстиль фабрикаси фаолиятини йўлга қўйишимизда юртимиздаги шаффоф муҳит ёрдам берганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Аммо гоҳида айрим тадбиркорлар ҳозиргача ишлаб чиқариш корхонаси қуришга ер, фаолиятини кенгайтириш мақсадида банклардан имтиёзли кредит олиш учун ойнаб эмас, ҳатто йиллаб “югуриб” юришга, охири-оқибатда бошланган иши касодага учраган ҳолатлар ҳам бўлиб туради.

Эндилкида баъзи амалдорлар тадбиркорларнинг фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Юрт равнақи, Ватан тараққиёти учун қилинаётган ҳар бир ҳаракат қўллаб-қувватланади.

ТАДБИРКОР МУАММОСИ ЯНАДА КИСКА ВАКТ ИЧИДА ҲАЛ БЎЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорлик борасида амалга ошираётган ишларимизни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Фармонга мувофиқ, Бош вазирнинг туман (шаҳарлар)даги қабулхоналари жойлардаги давлат хизматлари марказлари бинаоларига жойлаштирилмоқда.

Барчамизга маълумки, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини ташкил этишдан бошлаб — қурилишга рухсат олиш, муҳандислик коммуникация тармоқларига улааниш, айрим фаолият турлари учун лицензия ва рухсатномаларни олишгача бўлган барча жараёни айнадан давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширади.

Шундай экан, Бош вазир қабулхоналарининг давлат хизматлари кўрсатиш марказлари билан бир бинаода жойлаштирилиши ҳам — шубҳасиз, тадбиркорларимиз, жумладан, хорижий инвесторлар учун ҳам айни муддао бўлмоқда.

Эндилкида муаммо ва таклифлар билан келган тадбиркорлар қўлай шароитларга эга бўлган давлат хизматлари марказларида тегишли давлат органлари вакиллари иштирокида қабул қилинади. Мурожаатни жойида ҳал қилинишига эътибор берилади ҳамда жойида ҳал қилиш имконияти бўлмаганлари ваколатли идорага назоратга олинган ҳолда юборилади.

Шунингдек, ваколатли органларнинг биринчи раҳбарлари қабулхона топширигини кўриб чиқади, натижалари ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида 7 кун муддатда қабулхонага ёзма равишда ахборот беради.

Ҳар бир мурожаат “business.gov.uz” ахборот тизимига киритиб борилади ва мурожаатчи ўзининг шахсий кабинетига орқали “онлайн” реал вақт режимида аризани кўриб чиқиш босқичини кузатиб бориш имконияти яратилади.

Агарда, мурожаатда кўрсатилган қонуний талаблар ва таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида ҳал қилиш имконияти бўлмаса, кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибиятига юборилади.

Мазкур котибият эса белгиланган қиска муддатларда тегишли республика ташкилотлари орқали мурожаатни ҳал қилиш чораларини кўради.

Бир сўз билан айтганда, ушбу Фармон — ҳеч шубҳасиз, тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри, шаффоф мулоқотни йўлга қўйиш орқали, улар муаммоларининг қиска вақт ичида ҳал этилишида муҳим ўрин тутди.

Адхам БАРАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари
Агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

100 Ёшли ХУРИМ ОНАГА ТУГИЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА БЕРИЛДИ




ПАЙАРИҚ туман адлия бўлимига тумандаги Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини, Йўлтепа қишлоғида яшовчи фуқаро Пўлат Шеркулов, 1919 йилда туғилган онаси Хурим Умированын 100 дан ошган бўлса-да, туғилганлик гувоҳномаси йўқлиги ҳақида мурожаат қилди.

Ушбу мурожаатнинг қаноатлантирилиши бўйича Пайариқ туман адлия бўлими ташаббуси ва бевосита иштироки билан маъмурий ишлар бўйича Пайариқ туман судига ариза киритилди. 2019 йил 17 апрелдаги сайёр суд мажлисида 1919 йилда туғилган Хурим Умировага туғилганлик гувоҳномаси бериш ҳақида Пайариқ туман ФХД бўлимига мажбурият юклатилди. Ва 100 ёшли онахон Хурим Умировага туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилди.

Азим ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Пайариқ туман адлия бўлими
етакчи маслаҳатчиси

Ўтирган ўринни ТОЗАЛАШ КЕРАКМИ? Ёки булғаш?



ҲАР кун иш, ўқиш, юмуш билан кўчага отланамиз. Одамлар орасида одимлаймиз. Гоҳида толиққан пайтларимиз бироз ҳордиқ олиш учун сўлим хиёбонларда сайр қиламиз. Лекин бу жойлар ҳам кимсиз эмас. Хўллас, ҳаммаша, ҳар дақиқа одамлар қўршовидамиз. Шундай экан, одамлар оралаб юриш, кўпнинг ичида ўтириб-туриш ҳамда сўлим хиёбонларда сайр қилишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор, десак адашмаймиз. Ана шундай кезлари кишининг таъбини хира қиладиган манзаралар ҳам учраб туради. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслик тўғрисида юз беради. Зеро, бу ҳаракатларимиз жамоат жойининг талабларига тамоман зиддир.

Гўзал пойтахтимизнинг энг сўлим ва юртимизга келган саёҳатчиларнинг илк таъриф буюрадиган гавжум масканларидан бири Сайилгоҳ кўчасидаги Адлия вазирлиги биносининг атрофидаги бежирим, доира шаклида ўрнатилган ўриндиқларнинг ҳозирги аҳолини кўриб ачиндик. Улар ўқувчиларнинг "черновики" қозғоғига ўхшаб, ранг-баранг тасвирларга тўлиб кетган. Ўриндиқнинг бутун девори ҳар хил бемани ва хунук сўзлар, турли тиллардаги дил изҳорлари билан безалиб, "санъат асари"га айланиб улгурган. Гапнинг қисқасини айтганда, бу ўриндиқларнинг деворини "бемани сўзлар лугати", десак адашмаймиз. Эсимда, бундан бир неча ой илгари Сайилгоҳ кўчаси ободонлаштирилиб, кўригига кўрк қўиш учун қурилишлар олиб борилган эди. Ушбу ажойиб усулда ўрнатилган ўриндиқлар

тамомила бошқача кўринишда бўлган. Деворлари оппоқ, ўтириб дам олган инсонларнинг баҳри дили очиларди. Кейинчалик эса, мен таъкидлаган кўришга тушиб қолгани айрим "замонавий" ёшларнинг саъй-ҳаракатлари, деб биламан. Ўйлаб кўрайлик, бу кўчадан кимлар ўтади? Нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки хориж фуқароларини ҳам шу кўчада учратамиз. Ҳар ҳолда саёҳатчилар мезбон юртида бундай манзараларнинг пайдо бўлишига ҳиссасини қўшмаслигини барчамиз яхши биламиз. Аниқроқ қилиб айтганда, ёши катталардан кўра, ёшларнинг кўчадан ўтиши кўпроқдир. Шу ўринда, омманинг маънавияти билан ҳисоблашмайдиган, жамоат жойларининг тартиб-қоидаларини менимайдиган "оғзим қийшиқ бўлса ҳам хоҳлаганимни сўзлайман, ақлим қисқа бўлса сиздан кўра доно-

ман", қабилидаги қарашлар билан ҳаётга боқадиган ёшларимизнинг иши эмасмикан? Таъкидлаш кераки, бир ҳақиқат бор: ҳеч ким ўзгалар наздида ёмон кўринишни хоҳламайди. Инсон борки, атрофдагиларга ўзи ҳақида ёрқин таассурот қолдиришни истайди. Шунинг учун ҳам ёшми, қарими жамоат жойларининг ёзилмаган қонун-қоидаларига амал қилиши ҳам яхши, гўзал хулқдан ҳалолатдир. Юқоридаги ўриндиқлар ҳақидаги мавзу атрофида бироз мулоҳаза юритишга ҳам қарор қилганимиз шундан. Театр арбобларидан бири шундай деган: "Саҳнада милтиқ осигилик бўлса, у отилиши шарт". Башарти, биз яшаб турган жамиятда, муаммо мавжуд экан, жамоатчиликда унга нисбатан муносабат шаклланиши лозим. Жамоат жойларидаги тартиб-қоидаларнинг назорат этилишини жамоанинг ўзидан яхшироқ назорат қилувчи йўқ. Бунинг учун айрим Ғарб давлатларида жорий қилинган сингари "Ахлоқ полицияси" фаолиятини йўлга қўйиш ҳам шарт эмас, назаримда. Ўзимиз қилаётган хатти-ҳаракатларга четдан баҳо бериб, уни назорат қилишимиз керак, холос.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЗАМОНАВИЙ "ИЗҚУВАР"

ёхуд республика суд-экспертиза маркази
фаолиятига бир назар

ПОРАХЎРЛИК, коррупция, таъмоғирлик, терроризм каби жиноят ишларини фош этишда суд-фонография экспертизаси муҳим аҳамиятга эга.

Бу турдаги экспертизани ўтказиш суд ва тергов идораларининг қўллаб-қувватлаётган ҳисобга олиб, Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Ўзбекистонда 1992 йилда ташкил қилинди. "Фонография" жумласи грекча сўз бўлиб, "phone — товуш, овоз, нутқ, шовқин grapho — чизаман, ёзаман, қарайман, кўриб чиқаман", деган маъноларни билдиради.

Ушбу жумла биринчи бўлиб, XX асрнинг 60 йилларида польшалик криминалог А.Шварц томонидан қўлланилган.

Суд-фонография экспертизасининг мақсади тадқиқот қилинувчи фонограмма ёзиб олинган асбоб-ускуна, рақамли товуш ёзиш мосламаларига ёзиб олинган суҳбат (фонограмма)ни текшириш натижасида иш бўйича аҳамият касб этадиган далилий фактлар, яъни суҳбат мазмун, иштирок этган шахслар сони, жинси, шахси, суҳбат шароитлари ва бошқаларни аниқлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда Республика суд-экспертизаси марказида суд-фонография экспертизаси

лабораториясининг экспертлари томонидан таққослаш, диагностика айрим ҳолларда эса таснифлаш масалалари ҳал қилиниб келинмоқда. Эслатиб ўтиш жоизки, авваллари ўзбек тилида бўлган фонограммалар ҳеч қачон тадқиқот қилинмаган. Айни вақтда марказда суд-фонография экспертизасини рус ва ўзбек тилларида ўтказиш ташкил қилинган ягона муассаса ҳисобланади. Зарур ҳолларда эса тегишли мутахассислар жалб этилиб, бошқа тилдаги фонограммаларни ҳам текшириш мумкин.

Суд-фонография экспертизасининг объектларига қуйдагилар қиради: оғзаки нутқ аудио-видео фонограммаси, фонограмманинг стенограммаси ва товуш ёзиб олувчи воситалардир (рақамли диктофон, уяли телефон аппарати, флэш-хотир картаси, компакт ва рақамли диск ва ҳоказолар).

Экспертиза тайинланаётганда бу ҳақдаги қарорда ҳар доим тадқиқот қилинувчи объектлар аниқ ва лўнда кўрсатилиши лозим. Бунинг учун суҳбатнинг бошланиши ва тугаллиши сўзлари, уни масалан, компакт дискнинг қайси файли ёки рақамли диктофоннинг нечанчи йўлакчасида ёзилган эканлиги баён қилиниши шарт.

Эксперт текшириши лозим бўлган объектлар ва ашёвий далиллар экспертга ўралган (қадоқланган) ва муҳрланган ҳолда тақдим этилиши керак.

Суд-тергов органи ходими гомонланувчидан намуна ола-

ётганда унга матнни ўқитириб намуна олиш мақсадаги мувофиқ эмас. Чунки эркин равишда гапирётган шахс билан бирон-бир матнни ўқитган шахснинг ҳолати икки хил бўлиши маълум, бундан ташқари, ўқилган матнларда шахс, ўзига хос бўлган сўзларни, ибораларни, гап тузишларни қўлламайди. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқот ўтказиш жараёнига салбий таъсир қўрсатади.

Фонография экспертизасини тадқиқотлари орасида аудитив ва лингвистик тадқиқот асосий ўринни эгаллайди. Аудитив таҳлил орқали шахснинг қайси жинсга, нутқинг қайси ҳудуд шеvasига мансублиги, баъзан касби, нутқи рус тилида бўлса-да она тили қайси тил эканлиги, нутқидagi қамчиликлар, ёзиб олиш жараёнида шахснинг ҳиссий ҳолати ва бошқалар аниқла-ниши мумкин.

Юқорида баён этилганларга мисол қилиб эксперт амалиётида бўлиб ўтган қуйдаги ҳолатни келтириш мумкин: республикамиз вилоятларининг бирдан тайинланган экспертизада шундай бир воқеа бўлган. Келин қайнонаси билан урушиб қолади. Оқибатда ошхонага кириб ўзига-ўзи пичоқ санчийди. Буни қўшнилардан бири бехосдан кўриб қолиб, уни қутқариб қолади. Келин эса ўлмаганига шарманда бўлмай деб, ўзига-ўзи керосин селиб олов қўяди. Ҳовлида қий-чув бошланади. Шу пайт келиннинг қайнонаси келиб қолади

ва уни тезда касалхонага олиб боради. Бўлиб ўтган фожиадан хабар толган тергов органлари ўз вақилини зудлик билан касалхонага юборишади. Терговчи етиб келиб, оғир аҳволда ётган, ўлим билан олишаётган келиннинг кўрсатмаларини диктофонга ёзиб олади. Оғриқ азовида чинқиб ва орада терговчи берган саволларга жавоб бераётган келин даҳшатли қичқириб бир оздан сўнг вафот этади. Келиннинг ота-онаси табиийки, диктофонни эшитиб ўз қизининг овозини танишмайди ва турли эътирозлар келтира бошлайдилар. Чунки диктофонга ёзиб олинган кўрсатмаларда келин қайнона билан келишмаганлиги тўғрисида ўзига-ўзи пичоқ урганлиги ва ўлмай қолганлиги сабабли шарманда бўлмай, деб ўзини ёқиб юборганини айтади. Лекин унинг оила аъзолари бу оғир қизимизники эмас, қайнонаси терговчи билан келишиб, атайлаб овозини ўзгартириб ёзган дейишиб, юқори турмуш инстанцияларга шикоят аризаларини ёза бошлашади. Натижада, шикоят аризаларида кўрсатилган вазжаларни текшириш учун касалхонада ёзилган суҳбат ва қайнонанинг овози ва нутқи намуналари олиниб суд-фонография экспертизаси тайинланади. Ушбу иш бўйича ўтказилган экспертиза жараёнида экспертлар анчагина мурраккабликлари бошдан кечирдилар. Касалхонада ёзилган суҳбат чоғида терговчининг саволларига келин бутун бадани қийиб, эриб кетганлиги сабабли, азовли оғриқ билан чинқир-қилари аралаш жавоб беради ва суҳбат унинг ўлим билан олишаётган аянчли қичқирган ҳолда жон таслим бўлиши билан якунланган эди. Экспертиза ўтказиш жараёнида жуда қўллаб-таъби-ётган оид бўлган адабиётларини ҳам ўрганиб чиқдик. Танаси

куйган, оғриқ азовларида бўлган шахсларнинг психик, физик ҳолатлари ва бундай вақтда овоз ва нутқдаги ўзгаришлар бора-сида изланибди. Маълумки, одам танаси таркибининг асосий қисми сувдан иборат. Шу сабабли ёнган тери тезда эриб, қуйиб, бир-бирига ёпишиб қолади. Ушбу ишда терговчи кўрсатмаларини ёзиб олган аёлнинг (шахснинг) оғзи, юзи терилари қуйиб кетганлиги ва ёпишиб қолганлиги сабабли, нутқ аъзоларида ҳосил бўлаётган товушлар оғиз терисининг ёпишиб кетганлиги учун овози яхши чиқмай қийиллаб, гоҳида хириллаб бурун орқали талаффуз қилинганлиги аниқланди. Овоз ушбу ҳолатда тезлиги бўйича нотекис, ноаниқ, рангсиз ёки тезлашиб кетиши мумкинлиги исботланди.

Намуна сифатида ёзиб олинган қайнонанинг ёши катта бўлиб, унинг овози баланд, йўғон, тезлиги ўртача, сўз ва ибораларни қўллаш тартиби ҳам ўзгача. Касалхонада олинган фонограммада эса аёлнинг овози жангли, ёшида ҳам фарқ катта эди. Лекин юқорида келтирилган тафсилотларни соғлом одам атайлаб ўзгартириш ҳусусиятига эга эмас. Инструментал (асбоб-ускуна) таҳлил ҳам ушбу овозлар ва нутқлар бир шахсга эмас, балки турли хил ёшдаги икки шахсга тегишли эканлигини кўрсатди. Юқоридагиларни инобатга олиб тақдим қилинган терговчи касалхонада ёзиб олган суҳбат иштирокчисининг овози ва нутқи намуна сифатида тақдим қилинган қайнонанинг овози ва нутқиға тегишли эмас, деган хулосага келинди.

Нигора АБДУРОВА,
Республика суд-экспертизаси
марказининг суд-фонография
экспертизаси лабораторияси
мудир

КАСАЛХОНАЛАРДА КИМЛАР БЕПУЛ ДАВОЛАНАДИ?

— **I-ГУРУХ** ногирониман, шифохонага боргандим, шифокорлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанишим кераклигини айтишди. Лекин у ерда даволаниш учун маблагим етарли эмас, бу борада менга имтиёзлар борми?

Зулайхо БЕРДИЕВА,
Андижон вилояти



— Ҳа, сиз учун белгиланган имтиёзлар бор. Қонунчиликка мувофиқ, I ва II-гурӯх ногиронларига барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, мазкур имтиёзлар қуйидаги шахсларга ҳам берилади:

- болаликдан ногиронлар;
- чин етимлар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар;
- 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;
- ёшга оид пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар;
- 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари;
- Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар;
- байналмилалчи-жангчилар;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар;
- қақиров комиссияларининг йўлланмалари бўйича қақиров ёшидаги (18 — 27 ёшдаги) шахслар;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича, патологияли ҳомиладор аёллар, эндокрин касалликларига чалинган беморлар, жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларга чалинган шахслар, сил касаллигига чалинган шахслар, онкология касалликларига чалинган шахслар.

ИШХОНА АВТОМОБИЛИ ТАКСИ БЎЛГАНДА...

— **КОРХОНАМИЗ** ҳайдовчиси унга бириктирилган транспортдан қўлчанча такси сифатида фойдаланади. Бунинг учун унга қандайдир жавобгарлик борми?

Эркин ХОЛНАЗАРОВ,
Бухоро вилояти



— Ҳа, бор. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 141-моддасига кўра, ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши энг кам иш ҳақининг икки бараваридан (405 минг 460 сўмдан) беш бараваригача (1 миллион 13 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

КИМЛАР БОҒЧА ПУЛИНИ ТЎЛАМАЙДИ?

— **МАҲАЛЛАДА** кам таъминланган оилалар тоифасига кирман ва нафақа оламан. Фарзандимни боғчага бермоқчи эдим, боғча пулини тўлаш бўйича кам таъминланган оилаларга қандай имтиёзлар берилади?

Зулфия НИЁЗОВА,
Қашқадарё вилояти



— Қонунчиликка мувофиқ, боғчада болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари тўловдан озод қилинади.

Бунда биринчи навбатда ота-оналардан бири ёки иккаласи I ёхуд II-гурӯх ногирони бўлган кам таъминланган оила фарзандларига, шунингдек, ўртача ойлик жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила фарзандларига имтиёз берилади.

Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати маҳалла томонидан берилган оиланинг мулкӣ аҳволи тўғрисида маълумотнома ва тегишли боғча ота-оналар кўмитасининг ҳулосасига асосан аниқланади ва шакллантирилади.

Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати ҳар ўқув йилининг 25 сентябрь кунига қадар тасдиқланади.

Рўйхатига кирмай қолган, шунингдек, йил давомида аниқланган кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳисобидан захира шакллантирилади.

Тўловдан озод қилинган болаларнинг боғчага қатнаши тўхтатилиши натижа-сида бўшаб қолган ўринлар мазкур захирадан тўлдириб борилади.

МАКТАБЛАРДА РЕМОТ УЧУН ПУЛ ЙИГИШ БОШЛАНДИ

— **ФАРЗАНДИ** мактабга борадиган ҳар қандай ота-онага турли пул йиғимлари масаласи жуда яхши таниш. Синф фонди, мактаб фонди, таъмирлаш, обуна, металллолом ва ҳоказо учун бир йилда анча-мунча сумма йиғиб олинади. Ҳеч бир мезонларда кўрсатилмаган ва ҳеч қаерда қайд қилинмайдиган ушбу маблағларни ота-оналардан талаб қилиш қонунийми? Шундай шароитда фуқаролар қандай йўл тутишлари керак? Мактаб ўқувчилар ва ўқитувчилардан таъмирлаш учун пул талаб қилишга ҳақлими? Айтилик, мактабда 1200 нафар ўқувчи ўқийди, 25 нафар ўқитувчи дарс беради. Ўқувчилардан 15 000 сўм, ўқитувчилардан 10 000 сўмдан пул йиғиб олинаёпти. Яна ота-оналарнинг айримлари кўнгилли равишда ҳомийлик ёрдами сифатида қурилиш моллари ҳам келтириб бераёптилар. Бу йиғилган пуллар мактабнинг ҳисоб рақамига ўтказилар-дими ёки мактаб раҳбарларининг қўнғатига бориб тушади?

Зиёда РАСУЛОВА,
Тошкент шаҳри



— Мактаблар ва бошқа таълим муассасалари томонидан таъмирлаш учун ўқувчи ва ўқитувчилардан пул йиғилиши ноқонуний ҳисобланади. Конституция-нинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги ва бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланиши белгиланган. Айрим ота-оналар бу пулни оғринмай берса-да, кўпчиликда норозилик пайдо бўлади. Лекин атрофдаги-ларнинг босими ва фарзандига ўқитувчининг муносабати ўзгармасикан, деган ўй билан ота-оналар ушбу асоссиз тўловларга рози бўлади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунда жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон ҳудудидида қанча вақт яшаётганидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланиши белгиланган. Аслида мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан маблаг ажратилади. Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги Қарорига мувофиқ, Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган. Мазкур жамғар-манинг асосий вазифаларидан бири умумтаълим муассасаларини қуриш, ре-конструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан, зарурат бўлганда ўқув корпусларини ўқув устакхоналари ва лабораториялар ташкил этган ҳолда кен-гайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма обь-ектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш ҳисобланади. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги, низомга асосан мактаблар фаолиятини молиялашти-риш тегишли харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 1 августга қадар мактаблар моддий-тех-ника базасини тайёрлашни, ўқувчилар учун зарур санитария-маиший ва ижти-моий шароитлар яратилишини таъминлашни зарур. Шундай экан, ажратилган маблағларнинг ўз манзилига тўлиқ етиб боришида нафақат давлат назорат органлари, балки жамоатчилик, хусусан, ота-оналарнинг ҳам ҳушёрлиги ва ма-салага масъулият билан ёндашуви талаб этилади. Пул сўралганда асос талаб қилиш, ажратилаётган маблағлар қаерга кетаётгани билан қизиқиш, зарур ўрин-ларда тегишли органларга мурожаат қилиш орқали ота-оналар жамоаси мазкур маиший коррупцияга қарши қонуний йўл билан курашишлари ва ушбу иллатга узил-кесил барҳам берилишига ҳисса қўшишлари мумкин.

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ БОР: У КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

— **УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ** хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловла-ри мавжуд, деб эшитгандим. Мазкур ком-пенсация кимларга берилади?

Абдурашул ХУДОЙҚУЛОВ,
Жиззах вилояти



— Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўлов-лари бир қатор тоифадаги шахсларга берилади.

Хусусан, қуйидаги тоифадаги шахсларга коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун энг кам иш ҳақининг 45 фоизи (91 минг 228,5 сўм) миқдоридида компенсация пул тўловлари берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглашти-рилган шахслар;
- ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар;
- Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва “Слава” орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар;
- фашист концлагерларининг собиқ вояга етмаган маҳбуслари;
- Ленинград шаҳри қамали даврида ишлаган фуқаролар;
- кўриш қобилияти бўйича I-гурӯх ногиронлари;
- Чернобиль ҳалокати оқибатида жабрланган фуқаролар;
- ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хиз-матни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига коммунал хиз-матлар ҳақини тўлаш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи (101 минг 365 сўм) миқдоридида компенсация пул тўловлари берилади.

1941-1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларига ком-мунал хизматлар ҳақини тўлаш учун энг кам иш ҳақининг 25 фоизи (50 минг 682,5 сўм) миқдоридида компенсация пул тўловлари берилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОВЕВ жавоб берди.

ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДЛАР

қўллаб-қувватланади

МАТЕМАТИКА бўйича жаҳон олимпиадасида ғолиб бўлган қоракўллик мактаб ўқувчисининг оғир шароитда кун кечирishi ҳақидаги мақола интернет сайтларида кўпгина муҳокама-маларга сабаб бўлди. Энди ана шундай кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари моддий, маънавий томондан қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 мартдаги "Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилиниб, қарорда бундай оила болалари қуйидагилар билан бепул таъминланиши қайд этилган:

- замонавий ягона мактаб формаси;
- асосий турдаги ўқув қуроллари;
- бадий китоблар;
- болалар газета ва журналларига обуна бўлиш (жумладан, биргина "Жажжи академик" журнаliga бир йиллик обуна);
- Республика оромгоҳларида дам олиш;
- Республика бўйлаб саёхатга бориш ва келиш харажатларини қоплаш.

ХАРАЖАТЛАРНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

Юқорида кўрсатилган харажатлар Ёшлар иттифоқи маблаглари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Халқ таълими вазирлиги эса бу ўқувчиларни ўрнатилган тартибда иссиқ кийим-бош ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳамда мактабларнинг узайтирилган кун гуруҳлари бепул жалб этиш чораларини кўради.

КИМЛАР МОДДИЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгаши томонидан рағбатлантириладиган ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини аниқлашда қуйидаги ижтимоий мезонларга эътибор қаратилади:

- а) ўқувчининг кўп болали оиладан эканлиги (оилда уч ва ундан ортиқ бола мавжудлиги);
- б) ўқувчининг оиласида биринчи ва/ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;
- в) ўқувчининг ёлғиз она (ота) томонидан икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган фарзандлар тарбиялаётган оиладан эканлиги;
- г) ўқувчининг фан, санъат, таълим ва бошқа йўналишлардаги ютуқлари, турли олимпиадалар, кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндорлиги, аъло баҳо-ларга ўқиши.

Тегирмон навбати билан

Мактабгача таълим муассасасига-чи?

МИРЗО Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан туман мактабгача таълим бўлими билан ҳамкорликда болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаш бўйича "Очиқ эшиклар кuni" тадбири ўтказилди. Тадбир давомида 126 нафар болага мактабгача таълим муассасаларига йўлланмалар расмийлаштирилди.

Бироқ айрим ҳудудларда болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда давлат хизматини кўрсатиш жараёни шаффоф йўлга қўйилмаган.

Масалан, айрим ҳолларда МТМга жойлаштириш мақсадида 100-200 га яқин болалар навбатда турган бўлишига қарамайдан, умуман навбатда турмаган болаларга йўлланма бериш



ТАВСИЯНОМА ҚАЕРДАН ОЛИНАДИ?

Ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мактаби (маҳалласи)даги кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари рўйхатини тузади ва моддий рағбатлантиришга муносиб бўлганларига ёзма тавсия беради. Тавсия ва керакли ҳужжатлар ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашларига топширилади.

Тавсиянома билан бир қаторда қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади:

- ўқувчи томонидан қўлга киритилган ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар (диплом, сертификат ва бошқалар);
- ўқувчи ва оила аъзоларининг паспорт ва/ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари;
- ўқувчининг оила аъзолари биринчи ва/ёки иккинчи гуруҳ ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);
- оила боқувчисини йўқотганлиги тўғрисида ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлганда).

БУНДАЙ БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚАЧОНДАН БОШЛАНАДИ?

Агар ушбу тизим шу йилнинг ўзидан амалиётга татбиқ этилса, бу — ҳеч нарсга қарамай, яхши билмишлиги интилан болаларнинг дастлабкилари рағбатлантирилишига оз фурсат қолди, дегани. Боиси, ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашларига ёзма тавсия ҳар йили 1 июнга қадар топширилиши ва 30 июнгача тегишли қарор чиқарилиб, ҳар ўқув йили бошидан бошлаб қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Жўрабек АБДУЛАЗИЗОВ,
Термиз шаҳар адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

Ўқишни хоҳламаган ўқувчига контракт пули қайтариб берилди

БЕКОБОД шаҳар адлия бўлимига шаҳардаги 13-даҳа, 66-уй, 16-хонадонда яшовчи фуқаро Ғайрат Бобобеков мурожаат қилди. Унда 2017-2018 ўқув йилида 1997 йилда туғилган фарзанди Зилола Муродова Тиббиёт коллежига контракт асосида 2 йиллик ўқишга қабул қилинганлигини, контракт тўловининг биринчи ўқув йили учун 1 655 000 сўм миқдордаги қисmini тўлаганлиги, 2017 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида ўқишга қатнашиб, оилавий шароити моддий томондан оғирлашиб қолганлиги, шу боис ўқишга бормаганлиги сабабли ушбу коллежда ўқиш истаги йўқлигини билдирган. Шунингдек, тўлаган контракт тўлов пулларининг маълум бир қисmini қайтаришни сўраган. Айни пайтда Бекобод шаҳар Тиббиёт коллежи томонидан тўланган контракт пуллари қайтариб берилмаганлигини маълум қилган.

Адлия бўлими томонидан фуқаро Ғайрат Бобобековнинг мурожаати ўрганиб чиқилган вақтда, Бекобод шаҳар Тиббиёт коллежи томонидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларда кўрсатилган талаблар қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Шу боис фуқаро Ғ.Бобобековга контракт тўловининг маълум бир қисmini қайтарилиб, Тиббиёт коллежига адлия бўлими томонидан киритилган тақдимнома асосида коллежнинг тегишли ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди.

Қаҳрамон ЖўРАЕВ,
Бекобод шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Молия бошқармасидан фуқаро фойдасига 57.800.000 сўм ундирилди

НАМАНГАН вилоят адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, фуқаро Т.Якубжоновга етказилган моддий зарар Наманган вилояти молия бошқармаси томонидан тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилди. Ўрганиш жараёнида, фуқарога етказилган моддий зарар молия бошқармаси томонидан асосиз равишда тўланмаётганлиги аниқланиб, фуқаро манфаатини қўлаб қўқарилик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Натижада, Наманган вилояти молия бошқармасидан фуқаро Т.Якубжонов фойдасига етказилган 57.800.000 сўм моддий зарарини ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Соҳибжон ҚОДИРОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Даъво аризадан сўнг фуқаро ишга тикланди

ҒИЖДУВОН туманида яшовчи фуқаро Ш.Хасановнинг Адлия вазирлигига ишдан асосиз равишда бўшатилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида, фуқаро Ш.Хасанов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда оғохлантириш муддатига амал қилмаганлиги ҳамда ўрганиш кунига қадар буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчаси берилмаганлиги аниқланди. Шу боис фуқаронинг манфаатида ишга тиклаш, компенсация ва маънавий зарарни ундириш бўйича судга даъво аризаси киритилди. Суд қарорига асосан фуқаро ишга тикланди ҳамда мажбурий прогул кунлари учун 2 658 360 сўм иш ҳақи ва 495 360 сўм маънавий зарар ундирилди.

Айбдор мансабдор шахсларга нисбатан эса интизомий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Туйғун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Фуқаро нега туман пенсия жамғармасидан норози бўлди?

ЧИЛОНЗОР туман адлия бўлимига фуқаро М.Тўхтабоева мурожаат қилиб, ҳисобга олинмаган иш даврини (иш стажини) суд тартибиде тасдиқлаш бўйича амалий ёрдам беришни сўраган. Мурожаатда таъкидланганидек, М.Тўхтабоева меҳнат фаолиятини юритган бўлса-да, 4,5 йиллик иш стажини тасдиқловчи маълумотлар архивдан топилмаган ва фуқаро иш стажини тасдиқлатиш учун бир неча ой натижасиз овора бўлган.

Туман пенсия жамғармасига имкон қадар ҳужжатлар тақдим этилган бўлса-да, 1995 йил 1 январдан 2004 йил 31 декабргача иш стажини инобатга олиниши рад этилган. Фуқаронинг эса ҳисобга олинмаган иш фаолият даври меҳнат

дафтарчасида қайд этилган.

Жорий йил 1 апрелда Сергели туман халқ таълими томонидан берилган маълумотномада фуқаро М.Тўхтабоева тумандаги 300-мактабда ишлагани, бироқ 1997 ва 2000 йиллардаги иш ҳақи китоби сақланмагани, бошқа йилларга оид иш ҳақлари ва ушланмалар ҳақидаги маълумотномалар мавжудлиги аниқланди.

Адлия бўлими айнан шу асосларга таяниб, Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Маъмурий судига маъмурий органлар гайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан фуқаро манфаатига шикоят билан мурожаат қилинди. Натижада, фуқаро М.Тўхтабоеванинг иш стажини тўлиқ тасдиқланишига эришилди.

Ойбек ХАСАНОВ,
Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси
Бош маслаҳатчиси

Суннатилла РАҲМОНОВ,
Чилонзор туман адлия бўлими бошлиғи в.в.б

ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗОЛАГАНДАН КЎРА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

ШУНИ алоҳида таъкидлаш кераки, ички ишлар органлари тизимидаги кўплаб давлат ва нодавлат органлар, ташкилот ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги киради. Бу турли даражадаги маҳаллий қонунчиликни ҳам давлат томонидан ратификация қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ўз ичига олган кенг меъёрий базасга эга бўлган ривожланган тизимдир. Ушбу тизим фаолиятини ташкиллаштириш тенг ҳуқуқда бир тузилмага бўйсунувчи субъектлар устидан назорат қилувчи марказлашган органлар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши фалон курашиш, унинг сабаблари ва оқибатларини аниқлаш соҳа вакилларининг муҳим ва энг долзарб мажбуриятидир. Субъектларнинг барча даражадаги профилактик фаолияти эса ҳар жиҳатдан тўғри ҳамкорлик қилишга боғлиқ. Ўтказилган тадқиқотимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги кундаги жиноятчилик омилилари даврлар силсиласида қисман ўзгарган, аммо ўтмишдаги жиноий усуллар ва ҳолатларга тобе равишда шаклланган.

Ташқи характердаги омилиларнинг аҳамиятида ҳам энг жадал ва барча сабаблар ҳаракатини белгилловчи, жумладан, шахснинг ички руҳий жараёнлари ва бизнинг ҳолатимизда ғарзли мажбурий инструментал мотивация сифатида белгиланадиган ҳуқуқи мотивациялар ҳал қилувчи омилилардан ҳисобланади.

Барча таҳлиллар ва изланишларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш кераки, жиноят учун жазолагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Бизнингча, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ҳамда профилактика субъектларининг ўз вақтидаги ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари унинг самардорлигини кўпайтириш имконини беради ва шу билан ақилжамият турмуш кечираватган, алкоголь ичимликлари, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилаётган, дайдиллик ва тиланчилик билан шугулланаётган, ҳуқуқбузарликларни содир этаятган воғга етмаганлар сонини камайтиришга ёрдам беради.

Фикримизча, самарали профилактика ишларини йўлга қўйиш ва яхши натижаларга эришиш учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўладиган, кейин эса жиноятнинг содир бўлишига олиб келадиган

сабаблар ва шароитларга қарши курашиш ва уларни бартараф этиш;

ёш авлоднинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш, уларни маданият, спортга ошно қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

Профилактика тизими кўплаб органлар ва ташкилотлардан ташкил топган бўлиб, профилактика фаолиятининг самарадорлиги ва унумдорлиги уларнинг сифатли ҳамкорлик қилишига боғлиқ.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ҳодимлари профилактик фаолиятини амалга оширган ҳолда, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилгани ҳақида фуқаролардан хабарлар ва аризаларни қабул қилади, маъмурий ишларни кўриб чиқувчи органларга тақдим этиш учун материаллар тайёрлашади, ишни келгусида муҳокама қилиш ва шахс ҳуқуқбузарликка алоқадор, деб топилса, жавоб қайтариш чора-тадбирларини кўради.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш кераки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — бу жамият ва давлат томонидан амалга ошириладиган, ҳуқуқбузарлик содир этилишига хизмат қиладиган сабаб ва шароитларни йўқ қилишга йўналтирилган, ўсмир шахсиятига нисбатан тарбиявий чораларнинг қўрилиши, яқна тартибдаги профилактик тадбирларнинг амалга оширилиши, алкоголь ва гиёҳванд моддалардан бош тортишни тарғиб этувчи комплекс фаолиятдир. Ҳуқуқбузарликларни фақатгина ўз вақтида ва самарали олдини олишга мамлакатда жиноятчилик даражасини камайтириш ҳамда жамиятини фаровон ривожлантириш гарови бўла олади.

Шоҳрух ТҲҲУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси талабаси

“ХАВФСИЗ ПОЙТАХТ” КОНЦЕПЦИЯСИ: ҳуқуқбузарликлар сони камайдики?

СЎНГИЙ йилларда мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларида сезиларли натижаларга эришилди, оқибатда кўплаб жиноят турларининг кескин камайиши кузатилмоқда.

Бу жараёнда мамлакат миқёсида ҳафтанинг ҳар пайшанбасида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кўни” ўтказилаётгани айниқса аҳамиятга эриштирилди. Ўзбекистонда, ушбу амалиёт юртимизда жиноятчиликни камайтиришга фалон ҳисса қўшмоқда. Таҳлилларга мувожабат этилган бўлса, 2018 йилда жиноятчилик 2017 йилга нисбатан 40 фоизга камайган.

Шунингдек, мамлакатимизда жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар ва маъмурий қамқоқи ўташ жойлари видеокузатув мосламалари билан таъминланди. Халқаро стандартлар асосида энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек, тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан ҳам жиҳозланган.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Тизимга янгича услублар, инновациялар енгилар кириб келмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридида белгиланган вазифалар соҳанинг шу каби янгиликларини ўз ичига олган.

Мақсуд ҳужжатга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тарти-

бини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида “Хавфсиз пойтахт” концепцияси 1 июлдан синов тариқасида жорий этилди.

“Хавфсиз пойтахт” концепциясида соат 16:00 дан 08:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш қула-рининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакилларини жалб қилиш орқали сутка давомида уч сме-нали патруль режимида ташкил этиш назарда тутилган бўлиб, бугунги кун-да мазкур амалиёт Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари тинчлиги-осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кун-да ички ишлар органлари ва Мил-лий гвардия бўлинмалари томони-дан Тошкент шаҳри ҳудудида 660 дан ортқ, жумладан, ўнлаб пиёда, юзлаб автомобиль, ўнлаб отлик ва мотоскутерли биргаликдаги патруль йўналишлари ташкил этилган. Ушбу патруль йўналишларига ички ишлар органларининг 1100 нафардан ортқ ходими, 700 нафардан кўпроқ Мил-лий гвардия ҳарбий хизматчилари жалб этилган.

Таҳлилларга кўра, “Хавфсиз пой-тахт” концепцияси доирасида пой-тахтимизда бир қатор жиноятлар-нинг кескин қисқаришига эришилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида босқинчилик 55 фоиздан кўпроқ, ўрлик 41 фоиз, фирибгар-лик 40 фоизга, талончилик қарийб 30 фоизга, безорилик эса 22 фоизга қисқарган.

Рустам АДХАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси 3-босқич талабаси

ЭЪЛОНЛАР

Яшнобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 12 февралда 688049-сон-ли реестр рақами билан рўйхатдан олган Яшнобод тумани, Тузель-3 мазоҳи, 24-й, 14-хона-дон маъмулида жойлашган “GREAT SMART TECHNO” масъулияти чекланган жамият ту-та-тилади.

Асос ўз-ўзини тутатиш тўғрисидаги 2019 йил 25 апрелдаги 1-сонли қарори.

Кредиторлар ва дебиторлар далолатлари 2 ой муддат ичиде (97) 707-87-18 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Яшнобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 9 февралда 575388-сонли реестр рақами билан рўйхатдан олган Яшнобод тумани, Асалобод-1 қўчаси, 9-й, 34-хона-дон маъмулида жойлашган “ALFA MARKETING” масъулияти чекланган жамият ту-та-тилади.

Асос ўз-ўзини тутатиш тўғрисидаги 2019 йил 12 апрелдаги 1-сонли қарори.

Кредиторлар ва дебиторлар далолатлари 2 ой муддат ичиде (97) 783-98-93 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Яккасарой туман тадбиркорлик субъектлари-ни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.05.2011 йилда 005995-11 реестр рақами бил-лан давлат рўйхатидан ўтган “SKRIBEX” М-ЎК (маъмули: Яккасарой тумани, Ш.Руставейти қў-часи, 53-й) таъсисчисининг 2019 йил 16 май-даги қарорига асосан ту-та-тилади.

(СТПР: 206 970 991)

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта маъмули бў-йича қабул қилинади.

Тел.: (97) 411-10-09

Тошкент шаҳар, Утепта туман “Ягона дарча” марказида 27.02.2017 йилда 008608-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, Утепта ва 3-тор Милқуш қўчаси, “Отлар чойхонаси” бизнес маъмулида давлат рўйхатидан ўтган “IDEAL AGRO STAR INVEST” хусусий қорхонаси (СТПР 304 680 951) таъсисчисининг 2019 йил 16 майдаги қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (93) 512-50-12

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-

матлари марказида 29.04.2019 йилда 716745 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, Коинот қўчаси, 28-й маъмулида давлат рўйхатидан ўтган “JAM OMAD TRADE” масъу-лияти чекланган жамияти (СТПР 306 373 537) таъсисчисининг 2019 йил 17 майдаги 1-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 580-90-18

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-матлари марказида 29.01.2019 йилда 675727 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, А.Мухтор қўчаси, 4-й маъмулида дав-лат рўйхатидан ўтган “JOSBI GORD” хусусий қорхонаси (СТПР 306 052 034) таъсисчисининг 2019 йил 17 майдаги 4-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (98) 306-23-27

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Давлат хиз-матлари марказида 10.01.2019 йилда 664086 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилон-зор тумани, Бунёдкор шох қўчаси, 401-й маъмулида давлат рўйхатидан ўтган “SEBIL-LOGISTICS” М-ЎК (СТПР 305960432) таъсис-чисининг 2019 йил 17 майдаги қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 926-87-00

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман тадбир-корлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ин-спекцияси 01.03.2017 йилда 012959-08 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гулистон даҳаси 59-88 маъмулида дав-лат рўйхатидан ўтган “ANORA EXPO SERVICE” М-ЎК (СТПР 30470390) таъсисчисининг 2019 йил 17 майдаги қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 454-75-58

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматла-ри маркази томонидан 27.11.2018 йилда 652710-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Мар-каз-1, Шахри қўчаси, 17-й, 22-хонадон маъму-лида жойлашган “HONEY FUNNY TIME” масъу-лияти чекланган жамияти 2019 йил 16 майда-ги қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар (90) 968-00-97 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 305 874 903

QILISH DIREKSIYASI unitar korxonasi 2019 йил 11 апрелдаги 126-сонли буйруқга асосан ту-та-тилади.

Давлопар (71) 236-80-64 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 304 030 459

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-матлари марказида 20.11.2018 йилда 651200 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, Қўрқам қўчаси, 37-й маъмулида дав-лат рўйхатидан ўтган “SHAJARA INVEST UA” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 864 084) таъсисчисининг 2019 йил 15 майдаги 1-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 589-44-55

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-матлари марказида 10.02.2018 йилда 684515 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, Уриқор мазоҳи, ТХАУ “OZIQ-OVQAT STANDART KARTON” ОК Stroyprod савдо маъмули, 2-бнок, 1-қават, 201-дўкан маъму-лида давлат рўйхатидан ўтган “SUHROB WATCH” хусусий қорхонаси (СТПР 306 119 874) таъсис-чисининг 2019 йил 14 майдаги 1-сонли қаро-рига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 455-15-99

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-матлари марказида 23.01.2019 йилда 672834 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, Уриқор мазоҳи, ТХАУ ва Bozsvu kanali oraliq’idagi “Oytkor savdo kompleksi” М-ЎК ҳудудидида жойлашган 1-навигли, 53-дўкан маъ-мулида давлат рўйхатидан ўтган “ULFAT SB” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 029 725) таъсисчисининг 2019 йил 15 майдаги 1-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (91) 164-19-32

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-матлари марказида 12.04.2019 йилда 711236 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Уте-пта тумани, Уриқор даҳаси, ТХАУ “OZIQ-OVQAT STANDART KARTON” ОКга тегишли “Stroyprod” савдо маъмули, 2-бнок, 1-қават, 235-дўкан маъмулида давлат рўйхатидан ў-тган “DILFUZA LADY TRADE” хусусий қорхонаси (СТПР 306 330 313) таъсисчисининг 2019 йил 29 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 572-08-08

Тошкент шаҳар, Утепта туман Давлат хиз-матлари марказида 31.03.2019 йилда 704734 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Утепта тумани, Уриқор мазоҳи, ТХАУ “OZIQ-OVQAT

STANDART KARTON” ОК Stroyprod савдо маъмули, 4-бнок, 1-қават, 63111-дўкан маъ-мулида давлат рўйхатидан ўтган “TURY LY” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 306 279 122) таъсисчисининг 2019 йил 15 майдаги 1-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 322-55-21

Чилонзор туман Давлат хизматлари мар-кази томонидан 01.05.2019 йилда №717884 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “XANIFA XONADON PISHIRIQLARI” ошпаз-ий қорхонаси ту-та-тилади.

Давлопар (97) 706-99-25 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИИН: 306 381 685

Чилонзор туман тадбиркорлик субъектла-рини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекция-си томонидан 18.12.2003 йилда №11310-сонли рақам билан рўйхатдан олган “ASMIDA” хусу-сий қорхонаси ту-та-тилади.

Давлопар (98) 125-86-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИИН: 204 754 969

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматла-ри маркази томонидан 18.01.2019 йилда 670181-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Қи-зилсу қўчаси, 14А-й маъмулида жойлашган “YNESHTORGINVEST” масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 25 апрелдаги 2-сонли қаро-рига асосан ту-та-тилади.

Давлопар (98) 310-05-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 306 008 878

Яккасарой туман тадбиркорлик субъектла-рини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 23 мартда 001616-11 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган “UOM-TRANSVATO” масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 205 560 695) (почта маъмули) Яка-сарой тумани, Мирафлор қўчаси, 68А-йўдан, Яккасарой тумани, Тафқор қўчаси, 68А-йўга ўзгарганини маълум қилинади

Тел.: (93) 587-99-11

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Давлат хиз-матлари марказида 06.04.2019 йилда 708479 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилон-зор тумани, Гулистон мазоҳи, 50-й маъму-лида давлат рўйхатидан ўтган “GENERAL MODERN” М-ЎК (СТПР 306 308 529) таъсис-чисининг 2019 йил 1 майдаги қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 936-07-02

Чилонзор тумани, Берах қўчаси, 107-й маъ-мулида давлат рўйхатидан ўтган “UNIVERSAL KINDERGARTEN” М-ЎК (СТПР 305 851 018) таъсисчисининг 2019 йил 10 майдаги қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 349-03-99

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматла-ри маркази томонидан 26.06.2018 йилда 618587-сонли реестр тартиб рақам билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Ялангоҳ мазоҳи, 78-й, 1-хонадон маъмули-да жойлашган “ENERGO RESURS” масъули-яти чекланган жамияти 2019 йил 12 апрелда-ги 2-сонли қарорига асосан ту-та-тилади.

Давлопар (98) 127-07-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 305 620 712

“Advokat-Press” адвокатлик бироқи адвок-ати Жо’рқабол Normatov Yaxshilov’ich давлат таъини сабаби унга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган ТШ 00082 рақамли адвокатлик лицензияси ҳамда адвокатлик маъмули Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 8 майдаги 60-А-ум-сонли буйруғига асосан ту-та-тилади.

“Advokat-Dur” адвокатлик фирмаси адвок-ати Сайнов Ибраҳимов Муҳаммадрасулхонов-нинг арқасига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2016 йил 22 мартда берилган ТШ 000472 рақамли адвокатлик фа-лиятини билан шугулланиш ҳуқуқини бериш лицензияси ҳамда адвокатлик маъмули Тош-кент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 8 майдаги 59-А-ум-сонли буйруғига асосан ту-та-тилади.

Яккасарой тумани Ягона дарча маркази то-монидан 13.05.2016 йилда 008211-09 ре-естр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “ALIMOV ABURASHID XAMDOVICH” М-ЎК (маъмули: Яккасарой тумани, Беруний қўча-си, 10-й) таъсисчисининг 2019 йил 16 майдаги қаро-рига асосан ту-та-тилади.

(СТПР: 303 936 572)

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта маъмули бў-йича қабул қилинади.

Фаргона вилоят адлия бошқармаси жамоаси Фаро-на шаҳар 1-сон давлат нотари-ал идораси нотариуси Дилором Расулвожа падали бузуқроқи

ХАБИБУЛЛА отанинг

вафот этганини муносаба-ти билан чуғур таъзия изҳор этади.



**"БИР ЎЛКАКИ,
ТУПРОГИДА ОЛТИН
ГУЛЛАЙДИ..."**

СЕВИМПИ шоиримиз
Ойбекнинг бу машҳур
сатрлари кўз олдингизга
табиатнинг ўзи юртимизга
инъом этган олтин
тупоқлар қонини, олтинтопарлар
хўдудини, деб таърифланганидан
Зарафшон воҳасини, тенгсиз
хазиналар қони ҳисобланган
Мурунтоғ конларини келтирса ажаб эмас.

Тупроғида олтин гуллаётган нурли манзилларни ўз кўзимиз билан кўриш, машаққатли ва шарафли вазифани удралаётган замондошларимизнинг меҳнат фаолияти билан танишиш биз журналистларнинг орзуимиз. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида дунёдаги манами, деган давлатларнинг ҳавасини тортаётган Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий кон бошқармаси Мурунтоғ қонидаги меҳнат жараёнлари ва "Ауминзо-Амантой" қони негизда қурилаётган 5-гидрометаллургия заводи билан ақиндан танишиш мақсадида ушбу манзилларда бўлдик.

Навоий вилояти марказидан 220 километр олинса жойлашган Зарафшон шаҳри — олтинтопарлар шаҳри, деб донг таратган. Бепойён Ўзбекистоннинг жойбадор бир парчасида Ватан тақдирига дахлдор, мамлакат иқтисодийтини мустаҳкамлашга боғлиқ буюк ишлар амалга оширилмоқда.

Инвестиция лойиҳалари асосида бунёд этилаётган улкан ишлаб чиқариш объектлари билан танишар эканмиз, Навоий кон-металлургия комбинатини 2017-2026 йилларда ривожлантириш дастурига мувофиқ, 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматга эга бўлган 27 та йирик инвест

Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп минг сонли, турфа миллатли жамоаси
"Ўзбекистон Республикаси қончилиги ва металлургия саноати ходимлари қуни"ни улкан меҳнат ютуқлари билан нишонладилар.



ИСТИҚЛОЛНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

тицион лойиҳа амалга оширилаётгани, бу келажакда 30 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, қимматбаҳо металл қазиб олиш ҳажмини эса 30 фоизга ошириш имконини бериши тўғрисидаги маълумотлардан мамлакатимиз иқтисодийтини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган мазкур корхона улкан муваффақиятлар қорраҳасида турганлигига амин бўлдик.

Бир қарашда Қизилқумнинг қақроқ саҳросида маъданли тупроқни сувда ювиб, олтин олиш механизми бир афсонадек туюлади. Бу афсонани ақлу заковатли бунёдкор инсонлар ҳақиқатга айлантирмоқда.

— Табиий ресурслар бизга гўёки битмас-туганмасдек туюлгани билан ҳар томчи сувнинг, ҳар зарра тупроқнинг ўз ўлчови, ўз қиймати борлигини унутмаслигимиз лозим, — дейди Марказий кон бошқармаси директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбасари Илҳом Шарипов. — Бугунги кунда Мурунтоғдаги саноат корхоналари учун ишлатиладиган сув 250 километр олисликдан — Амударёдан олиб келинишини инobatта олиб, сувнинг бирор томчисини ҳам исроф қилмаслик чораларини кўрганмиз.

Мурунтоғ қони бошлиғи Отабек Равшановнинг ёш бўлса ҳам салобати, юксак салоҳияти ана шу дунёга машҳур қонга жуда муносиб эканлиги маҳаллий кадрларга эътибордан далolat бериб турибди. Чунки яқин ўтмишда кадрлар фақат четдан тақлиф қилинарди. Энг ачинарлиси, барча бойликларимиз ташиб кетилиб, меҳнатнинг шарафи эмас, гурбати, оғир жароҳати миллатимиз гарданида қоларди...

Бугун Қизилқум истиқболи бошқача, истиқлол уфқлари ўзгача. Ўтган ярим асрда мазкур қоннинг мамлакатимиз иқтисодийтини мустаҳкамлашдаги бекиёс ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Табиий бойликларни қидириб топиш, қазиб олиш, ишлов бериб, нодир маҳсулотга айлантиришдек кетма-кетликдаги 3-4 та жараённинг юз минг машаққати борлиги кўпчилигининг тасаввурига сиймайди. Бар-

ча циклларнинг, яъни ишлаб чиқариш жараёнларининг бир ҳудуднинг ўзида тўлиқ бажарилиши жаҳоннинг бирорта давлатида йўқ. Демак, табиий бойликларни қидириб топиш ва гидрометаллургия заводларида қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ жараёнлари фақат бизнинг Ўзбекистонда борлиги билан ҳақли равишда фахрланасак арийди.

— Мурунтоғ қонида рудани қазиб олиш ишлари очик усулда олиб борилади, — дейди Отабек Равшанов суҳбатни давом эттириб.

— Чуқурлиги қарийб 700 метрлик қонда бир сменада 100 дан ортиқ турли техникалар ишлайди. Смена-лар узлуксизлиги туну кун, ойлаб, ҳатто бутун йил давомида таъминланган, 220 тонна юкни ташиниш қудратига эга бўлган БелАЗ машиналари, уларни бошқариш, айникса, тунги смена-ларда рудани таркибига қараб турли омборларга жўнатишда бошқарувни замонавий алоқа тизимисиз тасаввур этиш қийин. Қонда йўлдош навигацияси орқали алоқанинг ўрнатилиши бошқарувда, айникса, руданинг сифат ва таркиби жиҳатдан саралаш, мос омборга жўнатишда ҳар қандай хато ва англашилмовчиликларни истисно этаётганлигини тараққиётнинг янги босқичи, деб баҳолаш мумкин.

Қончилик амалиётида рудани юқорига чиқариш билан боғлиқ жараёнлар ҳар доим янги технологияларнинг жорий этишини тақозо қилиши табиий. Бу тадбирлар, аввало, энергия ресурслари ва вақтни тежаш имконини беради. Мурунтоғда 2011 йилда фойдаланишга топширилган янги линиянинг ана шу жиҳатдан юксак самара бераётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Рудани 270 метр балангликка етказиб берадиган мазкур тик қия қонвейер ёрдамида бугунги кунга қадар 39,2 миллион куб. метрдан кўпроқ тоғ жинслари ташилиб, бу усул анъанавий усулларга қараганда сезиларли камхарж-лиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, ушбу технология истиқболда қонда қазини ишларини 1000 метр чуқурликкача давом эттириш имконини беради.

Янги давр янги мақсад ва вазифаларни зиммага юклаши аниқ. Табиий бойликларнинг янги манзиллари кашф этилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил 28 мартда "Ауминзо-Амантой" олтин қонлари негизда 5-гидрометаллургия заводи қурилиши пойдеворига тама-л тоши қўйилган эди.

"Ауминзо-Амантой" қони 1 ва 2-босқичи унинг негизда қурилаётган 5-гидрометаллургия заводи қурилиши юксак суръатлар билан давом этмоқда. Инвестиция лойиҳалари асосида бунёд этилаётган улкан ишлаб чиқариш объектлари билан бирга 2,5 минг ишчига мўлжалланган янги кўрғон, янги шаҳарча қад ростламоқда, Қизилқум бағрида яна бир жўшқин ҳаёт манзилида олтинтопарларнинг учинчи, тўртинчи авлодлари ота-боболари касбини давом эттириб, қончилар шарафини қадрлаётганлигидан фахрландик.

Бундан ташқари, Мурунтоғ қони 5-навбати, олтин-ни уюмда ишқорлаш цехининг 2-навбати барпо этилаётгани, "Кўкпатас" ва "Дауистов" қонларида технологияни такомиллаштириш доирасида қиймати 107 миллион АҚШ доллари бўлган янги мажмуа фойдаланишга топширилаётганлиги қончиликнинг янги уфқларидан далolat бериб турганлигига амин бўлдик. 2019 йилда 23 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар учун 562 миллион АҚШ долларлиқ маблағлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Қизилқум чўлларида ҳаётнинг имтиҳонларидан мардондор ўтаётган, касбияга садоқатли, ғайрат-шижоатли ёшларга ҳавасимиз келди. "Ауминзо-Амантой" қони негизда қурилаётган янги 5-гидрометаллургия заводнинг қончилари Азиз Нажмиддинов, Умиджон Раҳимов, Азиз Мавлонов, Алексей Бирюков, Жалолитдин Саидов каби кўздан, қадамидан ўт қакнайдиган юзлаб ёшлар Навоий давлат қончилик институтида олган билимларига суяниб, қон ишларининг ажойиб муҳандисларига айланган.

Мурунтоғ ва Ауминзо-Амантой қонларида туну кун меҳнат симфонияси янграётганлигига муносиб ҳисса қўшаётган матонатли инсонлардан, турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлиги, ҳукуматимиз томонидан меҳнатга муносиб шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилганлигидан бутун дунё ўр-нак олса арийди. Ўзбекистонимиз иқтисодий-етининг жон томирларларига улашиб кетган Мурунтоғ чирокларининг ҳеч қачон ўчмаслигига яна бир қарра амин бўлдик.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири
Хизматлар лицензияланган.



ИНСОН ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДИЯТИ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



**Бош
муҳаррир**

**Қўчқор
НОРҚОБИЛ**

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Мирқалипович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиёв Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган
қўлзмалар таҳрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулҳаё Нурметова

**Саҳифаловчи-
дизайнер**
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа уюмиди уйида chop этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи: — 11773
Буюртма — V-3423
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.
Сайлиноҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-08

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5